

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

3-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

М.Ҳайдаров Ўзбекистон ССРдаги ижтимоий муаммолар: ишчилар норозилигининг сабаблари ва моҳияти.....	101
Т.Ахмедов Фуқаролар фаоллигини оширишда телевидениенинг ўрни.....	106
Ғ.Раҳмонов Мустақиллик йиллари Ўзбекистон сув ҳўжалиги тизимида амалга оширилган ислохотлар ва уларнинг натижалари.....	110
С.Ахмедов Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаи саъдайн ва Мажмаи баҳрайн” асари темурийлар давридаги маданий-маърифий жараёнлар тавсифи бўйича қимматли манба сифатида.....	115
Р.Расулова Туркистонга татар “сафарбарлик”лари хусусида	121

АДАБИЁТШУНОСЛИК

А.Сабирдинов, Д.Муратова Ўзбек-корейс халқ оғзаки ижодида оила ва оилавий қадриятлар масаласи	126
Э.Жабборов Ўзбек миллий адабиётида маърифатпарварлик қарашларнинг такомиллашуви.....	131
Б. Абдураҳмонова “Қутадғу билиг” асарининг вазн хусусиятларини ўргатиш.....	138

ТИЛШУНОСЛИК

Ғ.Хошимов, Н.Комилова Турли тизимли тилларда “Гендер” концепти ва уни воқелантирувчи воситалар майдонининг қиёсий тадқиқи	144
Н. Умарова Навоийнинг “Садди Искандарий” достонида “Олтин” концептининг фрейм структураси.....	149
Г.Розиқова “Девону луғотит турк”да сўз маъносининг метонимия асосида кўчиши.....	155
А.Базарбаева Инглиз тили дарсликларидида машқлар тақдимотининг назарий асослари	160
Д.Рахматуллаева Шарқ мутафаккирларининг ғоялари ва “Илм-маърифат” семемали бирликлар.....	164
Б.Баҳриддинова Замонавий ўқув луғатларининг таркибий тузилмаси хусусида.....	167
Н.Суярова Оламнинг лисоний тасвири ва “Белги” денотатив семали метафораларнинг шаклланиши	172
Б.Сулаймонов «Теорема» романининг лексикографик тадқиқи.....	176

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Ф.Тошпўлатова Чет тилини ўрганиш учун ўқув материалларини танлаш ва ишлаб чиқиш тамойиллари	180
Г.Саидова Бошланғич синфларда инновацион технологияларни қўллашнинг шакл ва воситалари	184

ИЛМИЙ АХБОРОТ

Л.В.Гормонов, Б.З.Зарипов, А.А.Грудков, В.А.Каримов Физиологик шароитларда каламушларнинг ингичка ичагида озуқа	
---	--

УДК:42/48+415,53

ТУРЛИ ТИЗИМЛИ ТИЛЛАРДА “ГЕНДЕР” КОНЦЕПТИ ВА УНИ ВОҚЕЛАНТИРУВЧИ
ВОСИТАЛАР МАЙДОННИНГ ҚИЁСИЙ ТАДҚИҚИ

КОНЦЕПТ “ГЕНДЕР” В РАЗНОСИСТЕМНЫХ ЯЗЫКАХ И СРАВНИТЕЛЬНОЕ
ИССЛЕДОВАНИЕ ПОЛЯ СРЕДСТВ, СПОСОБСТВУЮЩИХ ЕГО СУЩЕСТВОВАНИЮ

CONCEPT OF “GENDER” IN THE LANGUAGES OF THE DIFFERENT SYSTEMS AND
COMPARATIVE STUDY OF THE FIELD OF MEANS FURTHERING ITS EVOKING

Ғ.Хошимов¹, Н.Комилова²

¹Ғ.Хошимов

ФарДУ, филология фанлари доктори, профессор.

²Н.Комилова

ФарДУ, мустақил тадқиқотчи.

Аннотация

Мақола “гендер” концептини вербаллаштирувчи вербал ва авербал бирликлар майдонининг инглиз ва ўзбек тилларидаги қиёсий таҳлилга бағишланган бўлиб, унда ҳар икки тилдаги гендерологик бирликларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари ўрганилган, уларни тақозо этувчи омиллар очиб берилган.

Аннотация

Данная статья посвящена сравнительному анализу поля вербальных и авербальных единиц, вербализующих концепт “гендер” в английском и узбекском языках; в ней также изучены сходные и отличные аспекты гендерологических единиц в обоих языках, выявлены факторы их существования.

Annotation

This article is devoted to a comparative analysis of the field of verbal and nonverbal units that verbalize the concept of “gender” in English and Uzbek, which explores the similarities and differences of genderological units in both languages, revealing the factors that require them.

Таянч сўз ва иборалар: гендер, род, жинс, лингвистик гендер, биологик гендер, инсон гендери, фауногендер, зоогендер, орнитогендер, инсектогендер, флорагендер, фонологик бирликлар, фонема, морфема, лексема, синтаксема, фразеоема, текстема, паралингвема, гендерема, фоногендерема, лексогендерема, синтаксогендерема, фразеогендерема, текстогендерема, парагендерема.

Ключевые слова и выражения: гендер, род, пол, лингвистический гендер, биологический гендер, человеческий гендер, фауногендер, зоогендер, орнитогендер, инсектогендер, флорагендер, фонологические единицы, фонема, морфема, лексема, синтаксема, фразеоема, текстема, паралингвема, гендер, фоногендерема, лексогендерема, синтаксогендерема, текстогендерема, парагендерема.

Key words and expressions: gender, gender (sex), linguistic gender, biological gender, human gender (humanogender), faunogender, zoogender, ornithogender, insectogender, floragender, phonological units, phoneme, morpheme, lexeme, syntaxeme, phraseoeme, texteme, gendereme, phonogendereme, lexogendereme, syntaxogendereme, textogendereme, paragendereme

Гендер масаласи бугунги кун замонавий тилшунослигининг долзарб муаммоларидан бири саналади. Гендер ҳақида сўз юритишдан аввал **гендер (gender)**, **род** ва **жинс (sex)** тушунчаларига аниқлик киритиб олиш зарур. Жуда кўп илмий манбаларда жинс(sex)га қуйидагича таъриф берилади: **жинс (sex)** – биологик нуқтаи назардан аёллик ёки эркаклик бўлиш ҳолатидир (Oxford Advanced Learner’s Dictionary). **Гендер (gender)** кўп қиррали, мураккаб ва бир оз мавҳум тушунча бўлиб, бу тушунчанинг асл моҳияти борасида илмий мунозаралар ва чалкашликлар талайгина. Кўпчилик мутахассисларнинг таъкидлашларича, гендер – бу, ижтимоий ва маданий нуқтаи назардан аёл ёки эркакнинг

фарқланишидир, яъни, гендерда социал факторлар муҳим ўрин тутди (Кириллина 1967; Kramer 1977; Lakoff 1975; Thorne 1975, Д.И.Рўзиева 2015, Н.З.Насруллаева 2016, Г.И.Эргашева 2018 ва ҳ.к.). Бир қатор гендер тадқиқотчиларнинг айтишича, “гендер” атамаси фақатгина инсонлар учун хосдир, чунки бунда у инсондан ўзининг аёл ёки эркак эканлигини англаши тақозо этилади. Род эса кўпроқ лисоний тушунча бўлиб, у тилдаги воситалар асосида мужской, женский ва средний родга бўлинади.

Ҳашаротлар, ҳайвонлар ва, ҳаттоки, кўп ўсимликларда гендер мавжуд бўлиб, уларда ҳам ўзига хос биологик муҳит мавжуд. Шуни таъкидлаш лозимки, **гендер (gender)**, **род** ва

жинс (sex) тушунчалари бир бирига, умуман олганда, синоним бўлишлиги билан бир қаторда, **гендер (gender)** кенгроқ қамровга эга бўлган абстракт феномен ҳисобланади ва унинг фақат инсонлар гендери учунгина ишлатилиши борасидаги фикрлар, бизнингча, ноўриндир. Лекин қандай бўлмасин, аввало **«лингвистик гендер»ни «биологик гендер»дан** тубдан фарқлаш лозим, шунда гендер ҳам инсон гендерини (хуманогендерни), ҳам фауногендерни (хайвонлар гендери: зоогендер, орнитогендер, инсектогендерни), шунингдек, флорогендерни (плантогендер/ўсимликлар гендерини) ҳам ифодалайди, шу йўсинда у тилдаги гендерга оид фонологик воситаларни (нутқ товушларини, дикцияларни, интонемаларни), морфемаларни, лексемаларни, синтаксемаларни, фразеомаларни ва текстемаларни) ўз ичига олади. Демак, биологик гендер деганда, тирик мавжудотларни жинсига қараб тоифалаштириш (уларни “male ва female”га, яъни русча «пол» маъносида эркак ва аёл жинси/пол/ турларига ажратиш) тушунилса, лингвистик, яъни лисоний гендер деганда, фақат “masculine ва feminine” гендерларни грамматик род маъносида тушунилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

«Гендер» - бу ўзига хос бир универсал когнитив ҳодиса бўлиб, уни категория, когнитив семантика, концептуал семантика ёки концепт деб тушуниш мумкин. Демак, гендер бу шундай бир концептқи, унинг когнитив асосини «эркак/аёл» концептуал-оппозициясини ифодаловчи гендер когнитив семантикаси ташкил этади. Мазкур семантикани ифодаловчи воситалар майдон табиатига эга бўлиб, уларни “гендер” майдони миқёсида ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

“Гендер” концептининг лингвокогнитив майдонини қиёсий аснода ўрганишда бизнинг ушбу илмий ишимизга бир қатор тилшунос-олимларнинг илмий-назарий изланишлари методологик асос бўлиб хизмат қилди (Шур 1968; Филичева 1977; Бондарко 1983; Дербишева 2000; Искандарова 2007 ва ҳ.к.).

Кузатишларимиз натижалари асосида шундай нарса аниқландики, мазкур концепт исталган тилда (ва нутқда) қуйидаги инвариант универсал вербал ва авербал воситалар билан воқелантирилади:

1. **Фонологик воситалар** (аёл ва эркак талаффузидаги овознинг тембри, акустикаси фарқлайдиган дикциялар, фонемалар ва интонемалар);

2. **Морфологик воситалар** (морфемалар) а) аффиксал морфемалар (-хон, -жон, -бек, -биби, -бой, -буви, -бек, -бегим, -ой, -али, -пошша, -улло, -бону, -мирзо, -берди, -берган, -хўжа, мир-, шо-, қора-, қайн-, -ота, -она, -оға, -сингил, -ака, -опа, -тоға, -амаки, -бобо, -момо, -son, -ella, -ia, ва ҳ.к.; **ўзб.:** Муслим-Муслима, Азиз-Азиза; Маҳмудов - Маҳмудова, шоир-шоира, маҳбуб-маҳбуба ва ҳ.к.; **инг.:** Alexandr-Alexandra, Caxton-Linton, waiter-waitress, actor-actress; б) лексик морфемалар (яъни сўзга тенг морфемалар), масалан, **ўзб.:** қайн-ота, қайн-она, қайн-оға, қайни-сингил, падаркуш, онаизор, отажон, онажон, отахон, онахон, отаўғил, онақиз, онаюрт, отаюрт, отатурк, **ингл.:** father-in-law, mother-in-law, daughter-in law, son-in-law, grandson, granddaughter, grandfather, grandmother ва ҳ.к.;

3. **Лексик воситалар** (лексемалар): 1) **от орқали ифодаланган:** аёл, эркак, қиз, ўғил, эркак, урғочи, мода, ўғилбола, қизбола, чол, кампир, эр, хотин, заифа, мўйлов, қаламқош, сарвиноз, танноз, пари, париваш, гўзал, санам, ота, она, woman, man, girl, daughter, father, mother, brother, sister, lass, lad, fellow, lady, gentlemen, madam, mister, mistress, granddad, grandma, grandson, granddaughter, mothergrabber, motherhouse, mother-tongue, mother-tree, mother-bee, man, woman, son, daughter, mister, mistress, girl, boy, husband, wife, bride, groom; 2) **сифат орқали ифодаланган:** оталарча, оналарча, хотин - халаж, эркаксифат, хотинсифат, manly, womanly, fatherly, motherly, manish, womanish, 3) **равиш орқали ифодаланган:** manwise, womanwise, girlishly, boyishly, malewise, femalewise, хотинчасига, эркакчасига, қайнотачасига, қайноначасига, куёвчасиг, келинчасига, 4) **фезл орқали ифодаланган:** а) **инфинитив орқали ифодаланган:** уйланмок (эркак жинсига хос), унаштирилмок, to divorce, to marry; б) **сифатдош орқали ифодаланган:** уйланган, уйланаётган, уйланувчи, унаштирилаётган, унаштирилувчи, унаштирилган, divorced, divorcing; в) **равишдош орқали ифодаланган** (фақат ўзбек тилида): уйланиб, уйлана-уйлана, уйланганича, унаштирилиб, унаштирилганича ва ҳ.к.

4. **Синтактик воситалар** (синтаксемалар): а) **фраземалар (сўз бирикмаси) орқали ифодаланган гендер, ўзб.:** (фақат аёл жинсига хос): турмушга чиқмок, эри билан ажрашмок, уй тутмок, кўзи ёримок, боши очик, эрга тегмок, эр қилмок,

эрлик бўлмоқ, эрсиз қолмоқ, она алласи, она сути, она қарғиши, қиз тўйи, она назари, она кўйнида, она дуоси, муштипар она, ўзини бахшида қилмоқ ва ҳ.к.; **ингл.:** motherly conduct, womanly behavior, womanish approach, womanish thinking, mothercraft nurse, mother of the family, mother of ten children, motherly care, motherly, Mothering Sunday, mother's day, mother of states ва ҳ.к.; **(фақат эркак жинсига хос):** кўйиб юбормоқ, хотини билан ажрашмоқ, жавобини бермоқ, талоқ қилмоқ, икки талоқ, бошини очиб қўймоқ, хотин олмоқ, хотинли бўлмоқ, хотинсиз қолмоқ, ота қаҳри, ота меҳри, ота кўйнида, ота дуоси, ота қарғиши, ота назари, нуроний отахон, ўғил тўйи, хатна тўйи, суннат тўйи ва ҳ.к.; **ингл.:** fatherly care, manly deed, father of the family, ва ҳ.к.; **б) сентенсемалар (соғда ва қўшма гаплар) орқали ифодаланган гендер, ўзб.:** Онанг ўргилсин, кетаман дема!; Дийдоринг ўчкур, нима дейсан!; Отанг бўйингдан, тез-тез келиб тургин, жуда соғинтириб юборма!; Онанг гиргиттон, келдингни, ўтир бирпас, дам ол!; Ота рози, худо рози; Отанг бозор, онанг бозор; Қиз сақласанг, туз сақла; Ёмон хотин уйнинг шўри, лимча мулла диннинг шўри; Бир ота боқа олмасмиш битта отани ва ҳ.к **инг.:** If he be a married man, he is his wife's head (Shakespeare W. Measure for Measure); Women on mischief are wiser than men. etc.; **(иккала гендерга ҳам хос):** турмушга чиқмоқ, маҳрамига олмоқ, кўпайишмоқ, турмуш қурмоқ, фарзанд кўрмоқ, қизлик бўлмоқ, ўғиллик бўлмоқ, бир ёстиққа бош қўймоқ, оила қурмоқ, бошини иккита қилмоқ, жуфти ҳалоли, бепушт бўлмоқ, олтин тўй, кумуш тўй, бешик тўйи, никоҳ тўйи, мучал тўйи, тўй қилмоқ, тўй бермоқ, тўй бошламоқ, оила қурмоқ, тўй маросими, тўй эгалари, тўй базми, тўй оқшоми, тўйма-тўй юрмоқ, қўша қаримоқ. to marry, to get married, to get divorced, to make a tie ва ҳ.к.;

5. **Фразеологик воситалар** (фразеоемалар): **а) номинатив, ўзб.:** оталиққа олмоқ, онасини учқўрғонидан кўрсатмоқ, ўзини хотин-халажларча тутмоқ, ҳезалакка ўхшамок, эна хотиндек, онаси ўпмаган қиз, бирини ака деб, бирини ука деб ва ҳ.к; **б) коммуникатив:** Эр-хотиннинг уриши - дока рўмолнинг қуриши; Оталар сўзи - ақлнинг кўзи; Ота гўри қозихона; Отанга бор, онангга бор, Жаннат оналар оёғи остиндадур, Эр-хотиннинг уриши, дока рўмолнинг қуриши, ва ҳ.к.; **инг.:** а) **номинатив:** a man of word, mother of long standing, fatherly conduct, motherly care, Mother of Presidents, Mother of

God, mother of all bombs mother of battles, Mother Nature, Mother Goose, ва ҳ.к.; **б) коммуникатив:** The way to a man's heart is through his stomach; The mother's heart is the child's schoolroom; A mother's heart is always with her children; As the field, so the crops; as the father, so the sons; A father maintains ten children better than ten children one father; Like father, like son, Like mother, like daughter ва ҳ.к.

6. **Текстологик воситалар** (текстемалар/дискурсемалар), **ўзб.:** “Бу дунёда улўғ зот ким десанг, доим онам дерман, Ҳаётим устуни мунис, мадақдорим-эй, онам дерман! Бу умрим машъали ўчмас, ҳаёти сурати кўчмас, дилимга дили пайванд, чаманзорим-эй, онам дерман”, “Она, онам дея келди бир садо, она, она бебаҳо!”, “Соғинсам отажоним, излайин қаерлардан? Соғинсам нур жаҳоним, излайин қаерлардан? Қадрдон оталарга қуш каби талпинаман, Йиғламай яшайман-у, аммоки соғинаман, Соғинсам отажоним, излайин қаерлардан?”, “Аввало онангга, яна онангга ва яна онангга яхшилиқ қил, сўнг эса отангга яхшилиқ қил” (Ҳадисдан); **инг.:** “A girl without a mother is like a mountain with no paths, a girl without a father is like a mountain with no streams”; “A priest is a man who is called Father by everyone except his own children who are obliged to call him Uncle”; “One of life's greatest mysteries is how the boy who wasn't good enough to marry your daughter can be the father of the smartest grandchild in the world” ва ҳ.к.

7. **Паралингвистик воситалар** (паралингвемалар-новербал воситалар) мулоқотда аёллар ва эркаклар томонидан фойдаланиладиган турли ёки ўхшаш паралингвистик воситалар (масалан, соқовлар даврасида отани ифодалаш учун **мўйловга** ишора бор, онани ифодалаш учун **қошга** ишора бор ва ҳ.к.)

8. Юқорида санаб ўтилган барча инвариант тил бирликлари ҳар бир тилда гендер концептини воқелантириш учун махсуслашган бўлиб, уларни бир умуматама остига бирлаштирган ҳолда **«гендерема»**лар деб аташ мақсадга мувофиқдир. Мазкур гендеремаларнинг тил сатҳларига қатъий алоқадорлигидан келиб чиққан ҳолда уларни қуйидаги умуматамалар билан ифодалаш ҳам ўринлидир:

1) **фоногендеремалар** (фонема, интонама, дикциялар орқали воқелантирилган гендер);

ТИЛШУНОСЛИК

2) **морфогендеремалар** (морфемалар орқали воқелантирилган гендер);

3) **лексогендеремалар** (лексемалар орқали воқелантирилган гендер);

4) **синтаксогендеремалар** (а) *фразегендерема* (сўз бирикмалари орқали воқелантирилган гендер); б) *сентенсогендерема* (содда ва кўшма гаплар орқали воқелантирилган гендер);

5) **фразегендеремалар** (фразеологик бирликлар орқали воқелантирилган гендер);

6) **текстогендерема/дискурсогендерема** (текстемалар, дискурсемалар орқали воқелантирилган гендер);

7) **парагендеремалар** (паралингвистик воситалар орқали воқелантирилган гендер).

Мазкур сатҳлараро тил бирликлари – гендеремалар бирлашиб, бир қатъий тизимни ташкил этади, айнан шу тизимни **гендер майдони** деб аташ мумкин. Ушбу майдондаги ҳар бир инвариант бирлик, аъзо, яъни

конституент ўзининг вариант бирликлари билан бирлашиб, ўзига хос бир **«микромайдон»ни** ҳосил қилиши мумкин (масалан, *фоногендеремалар микромайдони*, *морфогендеремалар микромайдони*, *лексогендеремалар микромайдони* ва ҳ.к.лар). Ваҳоланки, уларнинг барчасининг бирикувидан эса **«гендер макромайдони»** ҳосил бўлади. Ушбу майдоннинг конституентлари мулоқотда қўлланилиш ўринлари ва жиҳатлари билан бир-бирларидан фарқланадилар. Мулоқотда қўлланилишига кўра уларни ядровий конституент (синтаксема), доминант конституент (лексема) ва перифериал конституент (морфема, паралингвема, фразеоема ва текстема)ларга ажратиш мумкин. Тилларда гендеремалар, жумладан, фразегендеремалар мулоқот жараёнида лингвокультуремалар вазифасини бажарадилар, шу йўсинда улар тилларда сўзлашувчилар/ёзувчиларнинг ўзига хос этнолингвокультурологик хусусиятларини воқелантирадилар.

Тилларда “гендер” лингвокогнитив майдонини қуйидагича тасаввур қилиш мумкин:



Тилларда “гендер” лингвокогнитив майдони.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, шундай хулосаларга келиш мумкин:

1.Тилшуносликда гендерни биологик жинс(sex)дан фарқлаш керак, шунда лисоний гендер деганда эркак ва аёл жинслари ҳамда ҳайвонлару-ўсимликларга алоқадор барча тил бирликларининг “род”ини тушуниш лозим;

2.Тилларда гендернинг қуйидаги турлари мавжуд: 1) аёл гендери; 2)эркак гендери; 3)хунаса гендер (гермафродит); 4) трансгендер (ўзгартирилган гендер, эркак ва аёл гендерининг ўзгартирилгандан кейинги

ҳолати), ваҳоланки тилларда гендернинг шу турларига мос махсус тил бирликлари - вербализаторлари ҳам мавжуд;

3.Гендер бир универсал концепт сифатида тилларда қуйидаги тил бирликлари орқали воқелантирилади: 1) фонологик воситалар - фоногендеремалар (фонемалар, дикциялар, интонациялар); 2) морфемалар-морфогендеремалар; 3)лексемалар-лексогендеремалар; 4)синтаксемалар–синтаксогендеремалар (фраземалар ва сентенсемалар); 5)фразеоемалар-

фразеогендеремалар; б) текстемалар-
текстогендеремалар;

4. Ушбу тил бирликлари биргаликда “гендер” лингвокогнитив макромайдонини ташкил этади, унда ядровий аъзо сифатида синтаксемалар, доминанта сифатида лексемалар ва перифериал аъзо сифатида морфемалар, фразеомалар ва текстемалар қўлланилади;

5. Тилларда гендер паралингвемалар (мимика, имо-ишора ва тана аъзолари ҳаракатини ифодаловчи воситалар) орқали ҳам воқелантирилади;

6. Тилларда гендер ҳақидаги мулоқотнинг исталган тури шу майдон миқёсида, унинг вербализаторлари орқали амалга оширилади;

7. Тилларда гендеремалар махсулашган тил бирликлари бўлиб, ўзларининг қурилиш ва қўлланиш қонуниятларига эга, тилларда улар юзаки (surface) структуралари билан тубдан фарқлансалар-да, ички (deep) структуралари билан деярли фарқланмайдилар. Гендеремаларнинг ўхшаш жиҳатлари тиллардаги умумривожланиш қонуниятлари билан изоҳланса, уларнинг ноўхшашликлари тиллардаги тизимларнинг бетакрор идиоматик қурилиши билан тушунтирилади.

Адабиётлар:

1. Бондарко А.В. Функционально-семантические поля.- Л.: Наука, 1983.
2. Дербишева З.К. К типологии функционально-семантических полей. В сб. “Русский язык в Кыргызстане”. Вып. . Бишкек, 2000.
3. Искандарова Ш. Тил системасига майдон асосида ёндашув. -Т.: Фан, 2007.
4. Кириллина А., Томская М. Лингвистические гендерные исследования.
5. Щур Г. С. Теории поля в лингвистике, Из-дво «Наука», 1974.
6. Kramer Ch. Perceptions of female and male speech, Language and speech, 20, no.2, April/June, 1977.
7. Lakoff R. Language and Woman`s Place. Harper&Row, NY-London, 1975.
8. Thorne B., Henley N. Difference and dominance: an overview of language, gender and society. Newbury House, Rowley, Mass., 1975.

(Тақризчи: Ш.Искандарова – филология фанлари доктори, профессор)